



Analysis of criminal procedure legislation through the prism of justice

Gulmira TAIROVA¹

Law Enforcement Academy

ARTICLE INFO

Article history:

Received January 2024

Received in revised form

15 January 2024

Accepted 25 February 2024

Available online

15 March 2024

Keywords:

criminal procedure
legislation,
code of criminal procedure,
criminal procedure,
principle,
justice,
inconsistency.

ABSTRACT

In the article, the author aims to investigate the current criminal procedure legislation of the Republic of Uzbekistan based on the criterion of fairness.

The article initially provides an analytical description of the functions and principles of the Code of Criminal Procedure, the main and only law establishing the procedure for conducting criminal proceedings on the territory of our country, the specifics of the amendments and additions made to it in 1995–2023.

At the same time, the current criminal procedure legislation is critically analyzed through the prism of justice, pointing out a number of inconsistencies in it, expressed in maintaining the repressive nature inherent in the legislation of the former Union; dualism, that is, the presence of contradictory provisions; the inclusion of procedural procedures that contradict justice; the presence of procedural processes that still It is more complicated to conduct criminal cases, as well as the fact that he also has serious criminal procedural loopholes.

Special emphasis is placed on the fact that the fair conduct of criminal cases is one of the most important factors directly contributing to improving the effectiveness of anti-crime activities.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss2/S-pp6-18>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Адолат призмаси остида жиноят-процессуал қонунчилигининг таҳлили

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

жиноят-процессуал
қонунчилиги,
жиноят-процессуал

Мақолада муаллиф ўз олдида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини адолат мезони асосида тадқиқ этишни мақсад қилиб қўяди.

¹ Senior lecturer, Justice Junior Counsel, Law Enforcement Academy. E-mail: gulmiramurodiy@mail.ru

кодекси,
жиноят ишларини
юритиш,
принцип,
адолат,
номувофиқлик.

Мақолада аввалига мамлакатимиз ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартибини белгиловчи асосий ва ягона қонун – Жиноят-процессуал кодексининг вазифаси ва принциплари, 1995–2023 йилларда унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг хусусияти таҳлилий баён этилади.

Айни вақтда, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида кўзга ташланаётган қатор номувофиқликлар – унда собиқ иттифоқ қонунчилигига хос репрессив характер сақланиб қолинганлиги; дуализм, яъни бир-бирига зид бўлган ҳолатларнинг мавжудлиги; одилликка ҳилоф бўлган процессуал тартиботларнинг ўрин олганлиги; жиноят ишларини юритишни янада мураккаблаштирадиган процессуал жараёнларни кузатилиши, шунингдек, у жиддий жинойи-процессуал бўшлиқларга ҳам эга эканлиги адолат призмаси остида танқидий таҳлил этилади.

Жиноят ишларини адолатли юритилиши жиноятчиликка қарши курашиш фаолияти самарадорлигини оширишга бевосита хизмат қиладиган муҳим омиллардан эканлигига алоҳида урғу берилади.

Анализ уголовно-процессуального законодательства сквозь призму справедливости

Ключевые слова:

уголовно-процессуальное
законодательство,
уголовно-процессуальный
кодекс,
уголовное
судопроизводство,
принцип,
справедливость,
несоответствие.

АННОТАЦИЯ

В статье автор ставит перед собой цель исследовать действующее уголовно-процессуальное законодательство Республики Узбекистан, ориентируясь на критерий справедливости. Изначально представляется аналитическое описание функций и принципов Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан – основного и единственного закона, регулирующего порядок уголовного судопроизводства на территории страны. Освещаются особенности изменений и дополнений, внесенных в него в период с 1995 по 2023 годы.

В то же время автор критически анализирует действующее уголовно-процессуальное законодательство с точки зрения справедливости, выявляя ряд несоответствий. К ним относятся сохранение репрессивного характера, унаследованного от законодательства бывшего Советского Союза; наличие дуализма, то есть противоречивых положений; включение процедур, прямо противоречащих принципам правосудия; усложнение процесса ведения уголовных дел за счет некоторых процессуальных процессов; а также существование серьезных уголовно-процессуальных лазеек.

Особое внимание уделяется тому, что справедливое ведение уголовных дел является ключевым фактором, напрямую способствующим повышению эффективности борьбы с преступностью.

Маълумки, жиноят ишларини адолатли юритилиши жиноятчиликка қарши курашиш фаолияти самарадорлигини оширишга бевосита хизмат қиладиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Шундай экан, ушбу мақолада тадқиқотчи жиноят-процессуал қонунчилигини адолат призмаси остида танқидий таҳлил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодекси ҳамда унга 1995–2023 йилларда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар – тадқиқот учун бирламчи материал вазифасини ўтаганлиги, шунингдек, тадқиқот жараёнида таҳлилий баён, анализ, синтез, абстрактлаш каби умумилмий методлар билан бир вақтда тизимли таҳлил, танқидий таҳлил ва мантиқий таҳлил методларига мурожаат этилганлиги маълум қилинади.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади. Мазкур Кодекснинг қоидалари жиноят ишларини юритишга масъул бўлган шахслар, шунингдек адвокатлар ва фуқаролар учун ягона ва мажбурий ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг 22.09.1994 йилда қабул қилинган ва 01.04.1995 йилдан кучга кирган амалдаги Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) нормаларининг илк шакллантирилишида юртимизда тарихан мавжуд бўлган 16.06.1926 йилги биринчи, 29.07.1929 йилги иккинчи ҳамда 21.05.1959 йилдаги учинчи Жиноят-процессуал кодекслари [1. Б. 54] ўзининг салмоқли таъсирини кўрсатган.

Хусусан, амалдаги ЖПК вазифалари 1959 йилги ЖПК [2] вазифаларига айнан ўхшаш бўлиб, қуйидагиларда ифодаланади:

- *жиноятларни тез ва тўла очиш;*
- *айбдорларни фош этиш ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш* (жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун).

Айни вақтда, унда жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиби жиноятларни олдини олиш ва қонунийликни мустаҳкамлашга кўмаклашиши лозимлиги эътироф этилади.

Амалдаги ЖПК принциплари 1959 йилги ЖПКнинг асосий қоидаларига қисман (53 фоизга) ўхшаш бўлиб, қуйидаги 17 қоидага таянади:

- 1) қонунийлик;
- 2) одил судловни фақат суд томонидан амалга оширилиши;
- 3) жиноят ишини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқирилиши;
- 4) судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунлиши;
- 5) жиноят иши қўзғатишнинг муқаррарлиги;
- 6) одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши;
- 7) шахснинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши;
- 8) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофаза қилиниши;
- 9) судда жиноят ишларини ошкора қўрилиши;

- 10) жиноят ишлари ўзбек, қорақалпоқ ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли тушунадиган тилда юритилиши;
- 11) жиноят ишларини юритишда жамоатчилик иштироки;
- 12) ҳақиқатни аниқлаш;
- 13) айбсизлик презумпцияси;
- 14) гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиши;
- 15) судда ишларни тортишув (асосида) юритилиши ;
- 16) далилларни бевосита ва оғзаки усулда текширилиши;
- 17) процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги [3].

Назаримизда мазкур принципларни – жиноят ишларини юритишнинг барча босқичларига тегишли (1, 7, 8, 10, 17 каби); терговга қадар текширув босқичига тегишли (5, 11 каби); тергов босқичига тегишли (12, 13, 14, 16 каби); судлов босқичига тегишли (2, 3, 4, 6, 9, 11, 12, 14, 15, 16) принципларга таснифлаган ҳолда ўрганиш, уларни бугунги кун нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ҳамда оптималлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Сабаби, жиноят ишлари юритиладиган тил, судда ишларни ҳайъатда ва якка тартибда кўрилиши, судда ишларни ошкора кўрилиши, жиноят ишларини юритишда жамоатчилик иштироки, фуқароларнинг ҳуқуқларимуҳофаза қилиниши, қонунийлик, процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи каби қоидалар умумий характерга эга бўлиб, уларни принциплар қаторига киритиш зарурати туғилмайди.

Айни вақтда, жиноий ишларни юритишга нафақат судлар масъул эканлиги ва иш юритувнинг салмоқли қисми тергов, суриштирув ва прокуратура органлари зиммасига юклатилганлиги боис, биргина судья эмас, балки жиноят ишини юритишга масъул бўлган барча шахслар (жиноий одил судлов тизимининг барча субъектлари)нинг мустақиллиги масаласини принцип даражасига олиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қайд этиш лозим-ки, амалдаги ЖПКга 1995-2023 йиллар давомида 112 та қонун асосида 922 та ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, уларнинг қарийб 64 фоизи 2017–2023 йиллар ҳисобига тўғри келган.

Хусусан, ўтган 29 йиллик давр мобайнида ЖПКга – суд қарорлари қонунийлиги, асосли ва адолатлилигини апелляция тартибида қайта текшириш (2000 й.) ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш (2001 й.); ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тартиби (2008 й.); гувоҳнинг адвокати (2008 й.); жиноий суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик (2008, 2010 й.); уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби (2014 й.); тафтиш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби (2016 й.); терговга қадар текширув (2017 й.); жиноят ишини тергов қилиш шаклларида бири сифатида суриштирув (2017 й.); мурдани эксгумация қилиш тўғрисидаги илтимосномани суд томонидан кўриб чиқилиши (2017 й.); почта ва телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимосномани суд томонидан кўриб чиқилиши (2017 й.); суд томонидан суриштирув ёки дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслиги, ЖПК нормаларини жиддий бузилишини бартараф этиш чораларини кўриш (2017 й.); далилларни мақбул эмас деб топиш (2018 й.); тергов ҳаракатларини видеоконференция

режимида ўтказиш (2019 й.); кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (2021 й.); процессуал мажбурлов чораси сифатида паспорт (ҳаракатланиш ҳужжати)нинг амал қилишини тўхтатиб туриш (2021 й.); суд томонидан жиноят ишини дастлабки эшитиш (2021 й.); суд ҳукми, ажрими устидан тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш (2023 й.) каби қатор институтчионал янгиланишлар киритилган.

Айни вақтда, амалдаги ЖПК 43 та боб, 8 та бўлим (асосий қоидалар; жиноят процесси иштирокчилари; далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар; процессуал мажбурлов, жиноят натижасида етказилган мулкый зиённи қоплаш; жиноятларнинг олдини олиш чоралари; реабилитация; процессуал муддатлар ва чиқимлар)ни ўз ичига олган Умумий қисм ҳамда 33 та боб, 6 та бўлим (ишни судга қадар юритиш; биринчи инстанция судида иш юритиш; ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатлилигини текшириш; ҳукм ва ажримларни ижро эттириш; алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш; жиноий суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик)ни ўз ичига олган Махсус қисм, жами 766 та (609 та асосий ва 157 та прим) моддадан иборатдир [3, Изоҳ: ушбу рақамлар Lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (<https://lex.uz/uz/docs/111460#253509>) “Қўшимча ахборот” рукни, “Ҳужжатни қайта кўриб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатлар” саҳифасидан 20.12.2023 йилда олинган маълумотлар асосида аниқланди].

Муаллиф амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини адолат призмаси остида тадқиқ қилар экан, унда қатор номувофиқлар мавжудлигини эътироф этади.

Жумладан, амалдаги ЖПКда собиқ иттифоқ жиноят қонунчилигига хос бўлган **репрессив характер сақланиб қолган**лигини кўриш мумкин бўлиб, у қуйидагиларда намоён бўлади:

1) Гарчи, Конституциявий нормалар ва ЖПК принциплари қаторидан айбсизлик презумпцияси алоҳида ўрин олиб, шахснинг айблилиги қонуний кучга кирган суд ҳукми билан исботланмагунча у айбсиз деб эътироф этилиши қатъий белгиланса-да, судга қадар иш юритиш босқичидаёқ шахсга терговчи ёки суриштирувчи томонидан айб эълон қилиниши ҳамда у “айбланувчи” мақомини қўлга киритишига оид процессуал тартибнинг мавжудлиги.

2) Айни вақтда, ишни судга қадар юритиш босқичидаёқ “айбланувчи” (баъзи ҳолатларда ҳатто гумон қилинувчи) шахсга процессуал мажбурлов усули сифатида “қамоққа олиш” чорасининг қўлланилиши, шахс суднинг ҳукми чиққунига қадар тергов ҳибсхонаси камераларида (қамоқ шароитида) 7 ойгача сақлаб турилиши мумкинлиги ҳамда суд ҳукми билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ҳар бир куни қамоқ чорасининг ҳар бир кунига мутаносиб ҳисобланиши жараёнининг йўлга қўйилганлиги.

3) Ўз навбатида, суднинг ҳукми чиқмай туриб “айбланаётган” гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи мақомидаги шахсга нисбатан ҳимояланишга эҳтиёжи юқори бўлган шахс сифатида муносабат билдирилиши [4, 3. Изоҳ: Конституция 28-моддаси, ЖПК 24, 49–51-моддаларига қаранг].

Нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқ доирасида ҳам жабрланувчининг ҳақ-ҳуқуқлари қолиб, биринчи галда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир халқаро стандартларни ишлаб чиқилганлиги жиноят қонунчилигининг репрессивлик хусусияти қатор давлатларга хос эканлигини англатади.

Шунингдек, амалдаги ЖПК билан ўрнатилган процессуал-тартиб қоидаларда – **дуализм, яъни икки ёқламалик, бир-бирига зид бўлган қуйидаги ҳолатлар** кузатилади:

1) Қонунан республика ҳудудида жиноят ишларини юритиш ягона ЖПК асосида амалга оширилиши белгилансада, жиноят ишларини юритиш билан боғлиқ айрим жараёнлар “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”, “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”, “Жабрланувчи, гувоҳлар ва жиноят-процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар, “Фуқаролик процессуал кодекси” нормалари, Олий суд Пленуми қарорлари билан тартибга солинишига йўл қўйилади.

2) Жиноят ишлари бўйича тергов фаолияти “икки шаклда” амалга оширилади – тергов ёки суриштирув. Мазкур икки шаклнинг мақсади, усул ва воситалари бир хил, фақатгина суриштирувни амалга оширувчи органлар доираси кенгроқ эканлиги, суриштирув шаклидаги тергов фаолиятини амалга оширувчи шахс – суриштирувчи деб аталиши, ЖК Махсус қисмининг 67 та моддасида назарда тутилган 104 та таркибий қисмдан иборат ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар [5, Изоҳ: бу ЖК махсус қисми моддаларидаги ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларга оид таркибий қисмларнинг 38%ини, жами жиноят таркибий қисмларининг 16%ини ташкил этади] бўйича бир ойлик муддат ичида суриштирув шаклидаги терговни амалга ошириш мумкинлиги ва натижаси бўйича айблов ҳулосаси эмас, айблов далолатномаси тузилиши кабилар билан фарқланади.

Фикримизча, тергов фаолиятини ягона бир ном билан аташдан чекинмаслик, агар мақсад ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар бўйича терговнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш бўлса, уни шундай ном билан (терговнинг соддалаштирилган шакли сифатида) аташ тергов фаолиятидаги дуализмни олдини олишга хизмат қилади.

3) ЖПКнинг 25-моддасида – судда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилиши, айблов, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал этиш функциялари бир-биридан алоҳида бўлиб, улар бир шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмаслиги, суд айблов ёки ҳимоя тарафда турмаслиги ва уларнинг бирон-бир манфаатини ифода этмаслигига оид принципиал қоидалар белгиланади.

Шу билан бир вақтда, ЖПК (52-боби)дан суд суд терговини амалга ошириши лозимлиги, суриштирув ва дастлабки тергов камчиликларини бартараф этиш чораларини кўриши (ЖПК 415-417-моддалари), исбот қилишнинг субъекти сифатида далилларни тўплаши, текшириши ва баҳо бериши (ЖПК 9-боби) ҳамда суд ўзи текширган далиллар асосида ҳукм чиқариши (ЖПК 455-м.) зарурлиги ҳақидаги нормалар ҳам ўрин олади.

Ҳақли равишда савол туғилади: суд исботлаш жараёнининг субъекти сифатида ўзи олиб борган тергов ва процессуал ҳаракатлари асосида текширилган далилларга таяниб ҳукм чиқарар экан, у ҳолда “айблов ва ҳимоя” тараф ҳамда улар ўртасидаги тортишувнинг суд учун қандай зарурати бор? Судьяда ўзи текширган далиллар асосида шахсни айблов ёки ҳимоялаш ҳақидаги ҳулоса шаклланадиган экан (бу икки ҳулосадан бири шаклланиши муқаррар) тарафларнинг тортишуви жараёнида судьянинг позицияси қандай бўлиши лозим?

Бу саволга қуйидагича жавоб берган бўлар эдик: судда тараф дейиш мумкин бўлса, фақатгина жиноят оқибатида жабр кўрган ва ушбу жиноятда гумон қилинаётган шахсларни тараф сифатида кўрсатиш мумкин.

Суднинг, шунингдек, давлат айбловчиси, ҳимоячи ва одил судловга қўмаклашувчи барча шахсларнинг позицияси бир – ҳақиқатни аниқлашдан иборат бўлиши лозим, назаримизда.

4) ЖПК 462-моддаси – суд айбсизлик презумциясига талабларига амал қилган ҳолда айблов ёки оқлов ҳукмини чиқариши мумкинлигини белгилайди. Бироқ, айнан айбсизлик презумцияси шахс суднинг қонуний кучга кирган ҳукми асосидагина айбдор деб топилиши мумкинлигини англатади.

Шундай экан, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми асосида айбдор деб топилмаган шахсни “оқлаш” айбсизлик презумцияси мазмунига зид ҳисобланади.

5) ЖПК 14-моддаси – судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi ҳақидаги принципни эътироф этади. Бироқ, ЖПК 29-моддаси 2-қисми, ушбу принципга хилоф равишда юқори судлар қуйи судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориши ҳақидаги қонидани белгилайди.

Маълумки, жиноий одил судловнинг чин маънода адолатли бўлиши учун нафақат моддий қонунчилик (ЖК)нинг адолатлилиги, балки процессуал-судлов жараёнларни ҳам адолат мезонлари асосида ташкил этилиши муҳим ҳисобланади. Афсуски, амалдаги ЖПКдан одилликка хилоф бўлган айрим процессуал тартиботларнинг ўрин олганлиги ҳам маълум бўлади.

1) ЖПК (12-моддаси) одил судловни фақат суд амалга оширишини эътироф этса-да, одил судловни таъминлашга хизмат қиладиган мезонларни белгиламайди.

ЖПК (455-моддаси) суд ҳукмига доир талаблардан бири сифатида – адолатлиликини кўрсатиб ўтса-да, унинг мезони сифатида фақатгина “айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилики даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланганлиги”ни эътироф этади.

Гарчи ЖК 54-моддаси 2-қисми суд томонидан жазо тайинлашда инobatга олиниши лозим бўлган 8 та ҳолатни (содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилики даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни) белгиласа-да [5], ЖПК 455-моддаси ҳукмнинг адолатлилигига қўйиладиган талабларда уларнинг 2 тасинигина эътироф этади.

Қолаверса, жиноятнинг ижтимоий хавфлилики даражаси унинг учун ЖК Махсус қисмида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати билан ўлчаниб (ЖК 15, 54-м.), бу ўринда жиноят учун тайинланадиган жазонинг “адолатлилиги” суд ва унинг ҳукмига эмас, балки қонун чиқарувчининг тафаккурига бевосита боғлиқ бўлиб қолади.

Жиноят қонунчилиги (ЖК 8-м.) адолат тушунчасини тор, мавҳум ва қатъий бўлмаган шаклда талқин қилган бўлса, жиноят-процессуал қонунлиги ЖКнинг бу борадаги тегишли нормалари мазмунини янада торайтирган ҳолда баён этиш билан чекланади.

2) Назаримизда, жиноят ишларини юритишда адолат – жиноятнинг зарарли оқибатлари тўлиғича бартараф этилган, жабрланувчининг бузилган ҳақ-ҳуқуқлари тикланган, жиноят оқибатида бузилган ижтимоий муносабатлар жиноятга қадар бўлган маромли ҳолатга қайтган тақдирдагина таъминланади.

Шунга қўра, амалдаги ЖПК жиноятнинг зарарли оқибатларини бартараф этиш ва жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш борасида қандай аниқ, қатъий ва самарали механизмларни йўлга қўйди?, – деган адолатли савол туғилади.

ЖПКдан жиноят оқибатида етказилган “мулкий” зиённи қоплаш масалаларига бағишланган алоҳида бўлим ўрин олиб, унда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд бу борада тегишли чора-тадбирлари кўриши лозимлигига оид меъёрлар белгиланган бўлса-да, на терговчи ёки суриштирувчининг иш бўйича терговни тамомлашга доир фаолияти (ЖПК 46-б), на прокурорнинг жиноят ишини судга юборишдан олдинги қарори (ЖПК 385-м.), на суднинг ҳукми (ЖПК 455-м.)га жиноят оқибатларини бартараф этилишини таъминлашга доир бирор-бир қатъий талабнинг қўйилмаганлиги маълум бўлади.

3) Кечиккан адолат – адолатсизликдир! [6] Шундай экан, амалдаги ЖПК жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини кечиктирмай, тезкор муддатларда таъминлашга қай даражада имкон яратишини қуйидаги схема орқали кўриб чиқамиз.



Мазкур схема дастлабки тергов олиб бориладиган жиноятларга хос бўлиб, улар бўйича судга қадар иш юритишнинг ўзи 3 ой 18 суткани (муддатлар узайтирилган тақдирда 8 ой 11 суткани) ва биринчи инстанция судида иш юритиш 3 ой 3 суткани (муддатлар узайтирилган тақдирда 7 ой 13 суткани), жами эса **6 ой 21 суткани** (муддатлар узайтирилган тақдирда 15 ой 24 суткани) ташкил этиши мумкинлиги англашилмоқда [3, Изоҳ: маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 2023 йилнинг 20 декабрь санаси ҳолати бўйича тақдим этилмоқда].

Суриштирув олиб бориладиган ишлар бўйича судга қадар иш юритиш 1 ой 14 суткани (муддатлар узайтирилган тақдирда 2 ой 10 суткани) ва судда иш юритиш 1 ой 17 суткани (муддатлар узайтирилган тақдирда 2 ой 20 суткани), жами **3 ой 2 суткани** (муддатлар узайтирилган тақдирда 5 ойни) ташкил этиши мумкиндир [3, Изоҳ: маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 2023 йилнинг 20 декабрь санаси ҳолати бўйича тақдим этилмоқда].

Шунингдек, агарда прокурор айблов ҳулосаси билан келган жиноят ишини қўшимча терговга қайтарадиган бўлса юқоридаги муддат яна 1 ой 10 суткага (айблов далолатномаси билан жиноят иши 15 суткага), суд дастлабки эшитув ҳақида қарор қабул қиладиган бўлса яна 15 суткага, суд айбловни ўзгартириш учун ишни прокурорга қайтарса яна 1 ойга, суд ҳукми устидан апелляция шикояти бериладиган бўлса яна 3 ой 25 суткага, жиноят иши тўхтатиладиган бўлса номаълум муддатга узайишига қонунан йўл қўйилади.

Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки, амалдаги ЖПК асосида жиноят учун жавобгарлик муқаррарлигини одил судлов орқали таъминлаш учун камида 3-6 ой вақт сарфланади (энг кўп муддат эса чегараланмаган, йиллаб давом этишига йўл қўйилади) ҳамда бу муддат фикримизча оқилона муддат ҳисобланмайди.

4) Айни вақтда, ЖПКда судга қадар иш юритиш жараёнидаги энг муҳим босқич – тергов фаолияти адолатли ташкил этилган деб айта олмаймиз.

Жиноят ишлари юритувининг камида 50 фоизлик иш ҳажмини (одатда 60-75 фоиз) амалга ошириш ва энг муҳими жиноятни фош этишга масъул бўлган суриштирувчи ёки терговчи тергов фаолияти учун бир ўзи жавобгар ҳисобланади.

Зарурат бўлишига қарамай, суриштирувчи ёки терговчининг прокурор ёки судья каби ёрдамчилари ҳам, жиноятни кечиктирмай фош этиш учун тезкор гуруҳи ҳам мавжуд эмас. У жиноятни тезкор йўллар билан очиш учун тезкор-қидирув тузилмаларига, эксперт-мутахассислар фикрини олиш учун экспертиза муассасаларига, тергов ҳаракатларини ташкиллаштириш учун профилактика нозирларига хатлар билан мурожаат қилиш ва ўз мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кутишга, ташқи омиллар таъсирида ўтиб бораётган дастлабки тергов ва суриштирув муддатлари доирасида ҳаракатланишга мажбурдир.

Жиноятни фош этишдай ўта масъулиятли вазифани бир ўзи адо этиши лозим бўлган терговчи ёки суриштирувчи фаолияти устидан уч тарафлама назорат – идоравий назорат, прокурор назорати ва суд назоратининг йўлга қўйилганлиги эса очиқ-ойдин адолат тамойилига хилоф ҳисобланади, назаримизда.

5) ЖПК (27-моддаси) процесс иштирокчиларининг процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқини принцип даражасида эътироф этса-да, унда манфаатдор шахсларнинг шикоят, ариза ва илтимосномаларини кўриб чиқишнинг аниқ тартиб-қоидалари ўрин олмаганлиги маълум бўлади. Аёнки, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тўғрисида”ги Қонун талаблари жиноят ишларини юритиш жараёнида амал қилмайди. ЖПК иш бўйича шикоят ва илтимосномаларни жиноят ишига қўшиш ва кўриб чиқишига оид қоидаларни белгиласа-да, уларни қанча муддатда ва қандай тартибда кўриб чиқилиши, натижаси бўйича қандай шаклда қарор қабул қилинишига оид қоидаларни белгиламайди. Бу ўз навбатида, амалий фаолиятда шикоят ва илтимоснома киритган шахсларнинг ҳуқуқлари бузилиши ва ҳақли эътирозларига шароит яратади.

6) ЖПКдаги яна бир адолатсизлик – суд муҳокамаси жараёнида судланувчининг *давлат айблови ҳамда нодавлат ҳимояси тарозининг қарама-қарши паллаларига* қўйилишида намоён бўлади. Бир тарафдан давлат хизматчиси бўлган прокурор давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда судланувчига нисбатан давлат айбловини қувватлашга уринса, иккинчи тарафдан нодавлат ташкилотининг вакили бўлган адвокат судланувчининг шахсий манфаатларини ифодалаб, давлат айбловига қарши туришга ҳаракат қилади [7, Изоҳ: “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун 7-моддасига қаранг].

Назаримизда, давлат ва жамият манфаатлари билан хусусий манфаатларни бир-бирига қарама-қарши қўйилиши нафақат манфаатлар тўқнашуви, балки (умумижтимоий ва шахсий) қадриятлар тўқнашувини ҳам келтириб чиқаради ва у том маънода одил судловга хизмат қилмайди.

7) ЖПК шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари томонидан қонунчилик асосида айблов эълон қилиниб, ушбу давлат айблови судда қувватланиши ҳамда давлатнинг суд идораси тегишли тартибда давлат (Ўзбекистон Республикаси) номидан ҳукм чиқарилиши (ЖПК 454-м.) тартибини белгилайди.

Шу билан бирга, ЖПК (95-м.) ҳукмнинг асоси бўлган далилларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ўзининг ички ишончи бўйича баҳо беришини тўғридан-тўғри эътироф этади. Аммо, шахснинг “ички ишончи”ни на аниқлаш, на асослилигини текшириш мумкин бўлиб, давлат хизматчисининг “ички ишончига асосланган” асоссиз давлат айблови инсонларда давлатга нисбатан ишончсизликни келтириб чиқариш эҳтимоли юқори бўлади.

Шунга кўра, далилларни алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилигини адолат мезони асосида баҳолаш ҳамда адолат номи или ҳукм чиқариш фикримизча тўғри бўлади.

Илоҳий таълимотларда, “Осонлаштиринг, қийинлаштирманг” дея кўрсатма берилади [3]. Назаримизда, мазкур хитоб шахсни айблашдай ўта масъулиятли ва машаққатли жараёнга ҳам бевосита алоқадор ҳисобланади. Бироқ, ***ЖПКда жиноят ишларини юритиш жараёнини янада мураккаблаштирадиган процессуал тартибларнинг мавжудлиги қуйида келтириладиган ҳолатлар орқали кўзга ташланади.***

1) Жиноят ишларини юритишга масъул давлат органлари – терговга қадар текширув, суриштирув, тергов, прокуратура ва суд ўртасида функциялар – аниқ чегараланмаган бўлиб, улар фаолиятида бир-бирларини такрорлаш ҳолатлари кузатилади. Мисол учун, суриштирув ва тергов органлари терговга қадар текширувни ҳам амалга ошириши, прокуратура терговга қадар текширув ва терговни ҳам амалга ошириши, суд тергов фаолиятини ҳам амалга ошириши кабилар.

2) Судга қадар иш юритувни амалга оширувчи субъектларнинг кўплиги (3+5+14, жами 22 та) улар фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш жараёнини мураккаблаштиради.

3) Айрим тергов ҳаракатлари учун ҳолислар иштироки талаб этилиши, терговчи ёки суриштирувчининг “ўз ҳолислигидан чекиниши”, ташқи омилларга боғлиқлиги ва ошиқча вақт сарфлашига олиб келади. Ҳолбуки, терговчи ёки суриштирувчининг муайян ҳаракатлари эмас, улар орқали олинган далилларни мустаҳкамлашнинг қулай ва ишончли усуллари жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

4) Судга қадар тергов босқичида жиноят ишини тўхтатиш институти кўп ҳолларда жиноят иши бўйича сансоларликка йўл қўйилиши ва жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашни кечиктирилишига сабаб бўлади. Қолаверса, жиноят ишини тўхтатишнинг асоси сифатида кўрсатилган – айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаганлиги ёки унинг қаердалиги номаълумлиги каби ҳолатлар терговни тўхтатишни эмас, аксинча янада фаоллаштириш лозимлигини тақозо қилади.

Шунга кўра, мазкур институтнинг заруратини қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

5) ЖПК (36-боби) жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига – тергов, назорат ва давлат айбловини қувватлаш, ишни мазмунан кўриб ҳал этишга доир вазифалар билан бир вақтда жиноятларни олдини олиш чорасини кўриш, яъни жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этилиши юзасидан тақдимнома, хусусий ажримлар киритиш вазифасини ҳам юклайди.

Назаримизда, жиноят ишлари юретиш ва уни олдини олиш бир-биридан айри функциялар ҳисобланади ҳамда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг жиноят ишларини юретишдаги бирламчи вазифаси туриб, диққатини жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлашга йўналтириши тўғри бўлмайди. Қолаверса, жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитларини тадқиқ қилиш алоҳида криминалогик билимларни тақозо қилади.

6) Амалдаги ЖПКга мувофиқ 5 та суд инстанцияси – биринчи, апелляция ёки кассация, 3 турдаги тафтиш инстанцияларининг мавжудлиги бир тарафдан суд ҳукми, ажрими ва қарорлари қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш жараёнларини узоққа чўзилишига (адолатни кечикишига) хизмат қилса, иккинчи тарафдан юқори судлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар судлари; Олий суд)нинг ўзидаёқ ишларни ҳам биринчи, ҳам апелляция ёки кассация, ҳам тафтиш тартибда кўрилишига йўл қўйилиши бу жараёнларни янада мураккаблаштиради. Айни вақтда, суд инстанцияларининг кўплиги ва такрорийлиги суд ҳукми, ажрими ва қарорлари қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш ишларининг ҳолислиги ва адолатлилигига таҳдид солади.

7) Маълумки, "халқ маслаҳатчилари" институти амалдаги ЖПКга совет жиноят-процессуал қонунчилигидан қолган мерос бўлиб, гўёки у "халқ судлари"да ишлар судья билан бир вақтда "халқнинг вакиллари" иштирокида ҳал этилади деган ақидани ифодалар эди [9. Б.47. Қўшимча изох: СССР Конституцияси 103-моддаси: Ҳамма судларда ишлар халқ маслаҳатчилари иштирокида кўрилади, қонунда кўрсатилган махсус ҳоллар бундан мустаснодир, – дейилади].

Бироқ, бугунги кунда мазкур институт жиний судлар фаолиятининг сифат ва самарадорлигини ошишига хизмат қилмаётганлиги, балки уларни суд муҳокамасига жалб этиш ва тўлиқ иштирокини таъминлашда муайян мураккабликларни юзага келишига сабаб бўлаётганлиги маълумдир.

Қолаверса, судьяга муайян ваколатлар (ҳуқуқ ва мажбуриятлар)ни берган ЖПК суд маслаҳатчиларига ҳеч бир мажбурият ва масъулиятни юкламаганлигининг ўзи ҳам, мазкур институтнинг айни даврдаги заруратини танқидий кўриб чиқиш лозимлигини тақозо қилади.

8) ЖПКга 18.02.2021 йилда янги киритилган дастлабки эшитув институти – назаримизда судда иш юретиш жараёнини мураккаблаштириб, суд муҳокамасининг такрор-такрор амалга оширилиши ва одил судловни янада кечикишига хизмат қилади. Хусусан, дастлабки эшитув жараёнида кўриб чиқиладиган масалалардан бири – тарафларнинг номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисидаги илтимосномасини ҳал этиш учун суд далилларни текширишга доир суд тергови ҳаракатларини амалга ошириши лозим бўлади.

9) ЖПК судга қадар ва судда иш юретиш натижалари бўйича қабул қилинадиган якуний қарорларнинг – айблов ҳулосаси, айблов далолатномаси ва айблов ҳукми каби турлари тузилиши ва мазмунига бир неча талабларни қўяди [3, Изох: Ўзбекистон Республикаси ЖПК 379, 381–12, 465–471-моддаларига қаранг] ва шу аснода мазкур ҳужжатлар амалий фаолиятда мазмунан ўта мураккаб тузилади. Баъзи ўринларда мазкур ҳужжатлар кўп ҳажмли баён усулида ифодаланиб, энг муҳиммасала – айблов (мақбул, ишончли ва етарли эканлиги текширилган) қандай далил(лар) асосида ўз тасдиғини топганлиги ҳолати англашилмай қолади.

Юқорида баён этилган, номувофиқлар билан бир вақтда ЖПК қуйидаги жиддий жиноий-процессуал бўшлиқларга эга эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим бўлади:

1) ЖПК (322-м.) жиноят иши қўзғатиш “асослари” ва “сабаблари” тушунчаларини бир-биридан фарқламай, жиноят қўзғатиш учун сабаб бўлиши мумкин бўлган жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни гўёки жиноят қўзғатишнинг асоси сифатида талқин этади.

Қолбуки, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарнинг келиб тушиш ҳолатининг ўзи жиноят иши қўзғатишга асос бўладиган бўлса, терговга қадар текширув босқичининг зарурати қолмайди. Шунга кўра, жиноят-процессуал қонунчилиги айнан қандай ҳолатлар жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлишини белгилаб бериши лозим ҳисобланади.

2) ЖПК “далил” тушунчасига аниқ таъриф бермайди.

Фақатгина ЖПК 81-моддаси, “ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланишини; бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашъвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланишини қайд этади.

ЖПК 95-1-моддасида баъзи фактик маълумотлардан (улар қонунга хилоф усуллар билан олингани боис) далил сифатида фойдаланиб бўлмаслигига оид қоида белгиланади.

Модомики, аҳамиятга молик ҳақиқий маълумотларнинг барчаси ҳам далил бўла олмас экан, иш жараёнида тўпланган маълумотларнинг қай бир қисми қандай мезонлар асосида “далил деб эътироф этилиши” лозимлиги масаласи жиноят-процессуал қонунчилигида очиқ қолганлиги маълум бўлади.

Хусусан, амалий фаолиятда айблов хулосаси ёки суд ҳукмида гувоҳ, жабрланувчи, айбланувчи ёки судланувчининг узундан-узоқ (хатто, шахснинг вазиятга нисбатан субъектив муносабати ва ички кечинмалари акс этган) кўрсатмаларини далил сифатида келтириб ўтиш ҳолатлари кузатилиб, уларнинг ҳаққонийлиги (ишончлилиги), айбловга бевосита алоқадорлиги ва етарлилиги юзасидан муайян саволлар туғилади.

3) ЖПК тергов ва процессуал ҳаракатларни бир-биридан фарқламайди. Шунга кўра, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилиги процессуал ҳаракатлар тушунчаси, унинг таснифи ва турлари ҳамда процессуал ҳаракатларнинг бир тури сифатида тергов ҳаракатлари тушунчасини ифодаловчи меъёрларни ишлаб чиқишни ҳам тақозо этади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, мамлакатимизнинг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини адолат призмаси остида танқидий таҳлил этиш жараёнида кўзга ташланаётган қатор номувофиқликлар – унда собиқ иттифоқ қонунчилигига хос репрессив характер сақланиб қолинганлиги; дуализм, яъни бир-бирига зид бўлган ҳолатларнинг мавжудлиги; одилликка бевосита зид бўлган

процессуал тартиботларнинг ўрин олганлиги; жиноят ишларини юритишни янада мураккаблаштирадиган процессуал жараёнларни кузатилиши, шунингдек, у жиддий жиноий-процессуал бўшлиқларга ҳам эга эканлиги каби ҳолатлар уни адолат мезонлари асосида қайта кўриб чиқишни кечиктирмаслик лозимлигини англатади.

Айни вақтда, бу жараённи кечиктиришнинг ўзи – адолат мезонларига зид эканлиги эътироф этилади. Зотан, кечиккан адолат – аслида адолатсизлик ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Б.Бекматова. Жиноий таъқиб фаолиятининг хусусиятлари ва бугунги ҳолати – тарихи, замонавий ҳолати, қонунчилик ҳолати // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2015 №4, 53-55 б.
2. Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской Советской Социалистической Республики [Текст]. – Т.: Госиздат УзССР, 1959, 176 б.
<https://search.rsl.ru/ru/record/01006490277?ysclid=lrq0ehei7h150981017>
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Мурожаат вақти: 20.01.2024 <https://lex.uz/uz/docs/111460#25350>.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
<https://lex.uz/docs/111453>.
6. Юнус Эмро. https://youtu.be/9u6_9kt_cwg?si=mG20xbOnCXmSKoOo
7. “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун 7-моддасига қаранг.
8. Муҳаммад. С.А.В. сўзлари.
<https://savollar.islom.uz/s/58839?ysclid=lrq1d60k5m31697250>
- Ф.Бакиров. Совет суди – чинакам халқ судидир.- Т.: Уздавнашр, 1957, 52